

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 5 апрель, № 66 (4219)

Пайшанба

БЎЙЛАРИНГДАН АЙЛАНАЙ, БОЛАМ!



Нигоҳларидан ўт чақнаб турган мана бу ўқтам йигитлар эндиликда Ватан ҳимоячилари ҳисобланишади. Улар пойтахт вилоятининг шаҳар ва туман мудофаа бўлиmlларидаги қақирув пунктларида ташкил этилган танловдан муваффақиятли ўтишди.

Танловда қатнашган йигитларимизнинг саломамлиги, оилавий шароити, интеллектуал салоҳияти, маълумоти ҳам алоҳида эътибор берилди. Майдонда мағрур саф тортиб турган ўғлонларга боқиб, юрт ҳимояси ишончли қўлларда эканлигига ишонсанан киши. Президентимизнинг "Муддатли ҳарбий хизматининг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатish ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қўларига навбатдаги қақирув тўғрисида"ги Қарори асосида ёшларни армияга кузатиш ишлари бошлаб юборилди. Кўни кеча Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йўғин пунктида бўлажак аскарларнинг навбатдаги гуруҳини кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда қақирлувчиларнинг ота-

оналари, ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Чирчиқлик Нурбой ақанин ҳам буғун қувончи чеқисиз. Чунки ўғиллари воёга етиб, йигитларнинг сараси сифатида ҳарбий хизматга қақирилди. Каттаси Илёс муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб, ҳозир шартнома асосида фаолиятини давом эттиряпти. Кичик ўғли Илхом Эргашевга ҳам аскарлик насиб этди. — Спорт билан шугулланганим танловда қўл келди, — дейди Илхом Эргашев. — Ҳозир бокс бўйича биринчи разрядга эгаман. Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаш бор қуч ва имкониятимни аямайман.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.
Т. ҚУРБОНБЕКОВ
олган суратлар.

КУЧИМИЗ — БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Мамлакатимизда қарор топган осойишталик ва миллатлараро тотувлик муҳити жамятимиз ҳаётининг барча жаҳаларида тараққиётни таъминлайдиган мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган «Кучимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида шу ҳақда сўз юритилди. Тақдир Республика байналмилал маданият маркази, Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамят қурилиши академияси, Вазирлар Маҳамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, давлат ва жамоат тузилмалари, мамлакатимизда фаолият қўрсатаётган кўплаб миллий маданият марказлари раҳбарлари, Маънавият тарғибот марказининг туманлар бўлимлари раҳбарлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, танкичи олимлар ва дин арбоблари иштирок этди.


(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI БОШ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

Европа Иттифоқи Кенгашига раислик қилиб турган Германия Федератив Республикасининг мурожаатига мувофиқ Германия Ташқи ишлар вазирлигининг Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари бўлими раҳбари жаноб Рольф Шульце раҳбарлигидаги Европа Иттифоқи экспертлари делегацияси 2007 йилнинг 31 мартдан 4 апрелга қадар Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Ташрифдан мақсад Европа Иттифоқи экспертларининг 2006 йил 11-15 декабрь кунлари Ўзбекистонга сафари якуналарига қўра улларда 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган воқеалар бўйича пайдо бўлган қўшимча саволларни муҳокама қилишдан иборат эди. Ушбу ташриф доирасида Европа Иттифоқи экспертлари Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилинди, Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари экспертлари билан уларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Шунингдек, ЕИ экспертлари жазога ҳукм этилганлар, уларнинг адвокатлари ва судьялар билан ҳам учрашди. Европа Иттифоқи делегациясининг эксперт учрашувлари довомида Андижон воқеалари бўйича ўтказилган текширувлар ва қўзғатилган жиноий ишларни судда қўриб чиқиш якуналарига тегишли уларни қизиқтирган барча масалалар бўйича батафсил маълумот тақдим этилди. Ташриф доирасидаги учрашувлар ишчанлик вазиатида, ўзаро ҳурмат руҳида ўтди. Туманлар бўлиб ўтган амалий мулоқотлардан қониқ ҳосил қилганини билдирди.

ДЕҲҚОН ДАЛАСИДА БЕДОР БУ КУН



Маҳмуджон Турсунов деган танишим бор. Уни эсласам, бир латифа ёдимга тушаверади. Эмишчи, америкалик астронавт космик кемада ойга чиқиб, таққикот ўтказиш мақсадида очик майдонга чиқибди. Қараса, бир одам қўлоқчинининг ярми осилган телпакни кийиб, тўнтарилган ёғоч яшик устида ўтирганча палагидан ҳозиргина узилган бодринг сотаётганини кўришди.

— Бунинг учун йил бошидан ишга киришамиз, — дея изоҳ беради у. — Айттайлик, биз январь ойининг иккинчи ярмида иссиқхонадаги тупроқ солинган бир неча яшикка бодринг уруғини сешиб, уни ундириб оламиз. Сўнгра икки

четига қўйилади. Бу жараёнда ерга соф ҳолда 100-200 килограмм азотли ва фосфорли ўғит, 20-30 тонна чиринган гўнғ солинади. Бодринг хосилга кирдим, шароитга қараб, кунора суғорилади, пушталар эса 70-75 фоиз намликда ушлаб турилади. Ана шу тақдирларнинг ҳаммаси рисоладагидек ўтказилса, мавсум довомида 22 мартдан 30 мартагача хосил терилади. Бу — ўртача 8-9 тонна бодринг дегани.

— Иккинчи экин ҳосили тайёргарлигига қачон киришилади? — Қўғоз стаканчалардаги бодринг кўчатларини экишдан 3-4 кун аввал 180 сантиметрлик плёнчалар остидаги ариқларнинг икки

(Давоми 2-бетда).

Яхши йил — Наврўзидан маълум

Азбаройи ҳайратга тушган астронавт сўрабди: — Сиз бу ерга қачон келдингиз? — Эртага, худо хоҳласа, бир ҳафта бўлади. — Ойга қанақа транспорт билан чиқдингиз? — «КамАЗ» билан. Қўрма-яписими, ҳув анави япаски улкан тош ёнида турибди. — Қаерликсиз? — Олтиариқлик, — деб

жавоб берибди бодринг эгаси... Бу замин одамлари эртанги бодринг ва турп етиштиришда миришкорлар миришқори эканлигини, ана шу маҳсулотларни сотувчи олтиариқликларнинг қадами етмаган жойининг ўзи йўқлигини биласиз. Латифа шунга

ишора сифатида тўқилган, албатта. Энди гапни шу ҳангомадан бошлашимизнинг боисига тўхталасак, Маҳмуджон ака ҳам Олтиариқда яшайди. У — деҳқон ҳўжалиги раҳбари, йилига ўзига тегишли 10 сотих ердан тўрт-беш марта юқори ҳосил олади. Қандай қилиб дейсизми?

қўлоқли ниҳолларни қўғоз стаканчаларга қайта экиб, пикировка қиламиз. Кўчатлар гуллаш давригача шу ҳолатда, маълум ҳароратда сақланади. Совуқ кўтарилиб, кунлар исиши билан қўғоз стаканчалар очик майдонда узунасига тортилган плёнчалар остидаги ариқларнинг икки

Болгария Республикасининг минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазири Асен Гагаузовнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 4 апрель кўни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон — Болгария бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Болгариянинг Минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазириликнинг ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу форум икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов бошқарган тақдирда икки давлат раҳбарлари учрашувлари чоғида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Форумда болгариялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Мехмонлар юртимиздаги хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тақдиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишди.

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«САЛОМАТЛИК» — МАДАДКОР

«Экосан» халқаро ташкилоти «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди (ФОПСИ) ҳамкорлигида ташкил этган «Саломатлик» поезди Бухоро вилоятига жўнаб кетди.

Маълумки, Бухоро вилоятининг айрим туманларидаги олис қишлоқларда тоза ичимлик суви ҳамон долларбалиғча турибди. Бу эса кўп ҳолларда аёллар ва болалар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. «Саломатлик» поездини юборишдан асосий мақсад, тиббий ёрдамга муҳтож кешиларни тиббий қўриқдан ўтказиш, касалликлар профилактикаси, инфекция тарқалишининг олдини олиш борасида давра суҳбатлари ташкил этишдир.

Қарийб 50 миллион сўмлик инсонпарварлик юки ортилган ушбу поездда ўн беш нафар малакали шифокор бор. Улар ўн кун мобайнида вилоят туманларида бўлиб, у ердаги экологик вазиятни ўрганиб, аҳолини тиббий қўриқдан ўтказадилар. Кам таъминланган оилалар, Меҳрибонлик уйлари ва бошқа ижтимоий муассасаларга инсонпарварлик тўғрисидаги топишрадидлар.

Йил бошидан буён Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона вилоятларига 200 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами юборилди.

Маевжуда ТОЖИБОЙ қиз.

ДУНЁ НИГОҲИ

— Мен Ўзбекистонда бир неча бор бўлганман. Жорий йил январидаги ташрифим чоғида истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқларнинг гувоҳи бўлиб қайтдим. Ўзбекистонда шарқшунослик соҳаси анъаналарининг яхши сақлангани ҳам бизни баниҳод қувонтирди. Тошкентнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Ислам маданиятининг пойтахти, деб эълон қилинган Ўзбекистон ҳукуматиининг ислом маданиятини ривожлантиришга қаратилган маълумотларни таққиклаш ва асраб-авайлашга қаратилган оқилона сиёсатининг натижасидир. Ишончим комилки, тарихнинг умумийлиги ва маданиятлар муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларнинг мустақкамланишига ҳисса қўшади.

Мушоҳид Хусайн САЙИД,
Покистон Сенати
Халқаро масалалар қўмитасининг раиси.

**ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯ — ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ**

Мамлакатимизда халқаро кўргазмалар ва конференциялар ўтказишда етарли тажриба тўплаган «ZagExpo» компанияси ташаббуси ҳамда «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзимсанот» ДАК, республика Савдо-саноат палатаси, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг расмий кўмағида ташкил этилган ушбу тақдирда Россия, Япония, Латвия, Швеция каби мамлакатларнинг 30 дан зиёд етакчи компания ва фирмалари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Кўргазма павильонларидан машинасозлик маҳсулотлари, тоғ-металлургия корхоналари учун назорат-ўлчов воситалари, кимё ва нефть-кимё саноатининг ускуна ва жиҳозлари, кўчма дизель-генераторлар, бензин ва дизель ёнилғисидан ишлайдиган кичик электр станциялар, энергетика технологиялари, лаборатория жиҳозлари, сувни тозалаш ва таққил қилув-

Кеча пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Энергетика. Кимё. Машинасозлик. IndustrialExpo Uzbekistan» 3-халқаро ва «Лаборатория Экспо» 1-Марказий Осиё иқтисослаштирилган кўргазмалари иш бошлади.

чи асбоб-ускуналарнинг замонавий намуналари жой олган.

Тақдир ташкилотчиларининг маълум қилишича, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида энергетика, кимё саноати ва машинасозлик муҳим роль ўйнайди. Шу боис ҳукуватимиз томонидан ушбу соҳаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кўргазмадан асосий мақсад ҳам унда намоиш қилинаётган замонавий технологиялар, ускуна ва жиҳозлар, назорат-ўлчов воситаларини ишлаб чиқаришга таътиб этишдир.

Таъкидлаш жоғизки, учинчи бор ўтказилган мазкур кўргазмада, аввалгиларидан фарқи улроқ, мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш субъектларининг иштироки ва маҳсулотларининг ранг-баранглиги кўзга яққол ташланиб турибди. Бу нафақат ички бозорнинг тўлиб-тошаётганидан, балки Ватанимиз экспорт салоҳиятининг юксалганганидан ҳам дарак беради.

— Кўргазмада 15 турдаги маҳсулотимизни намойиш қилганмиз, — дейди «Осиё-электронергия» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг тижорат ишлари бўйича директори Қудрат Хошимов. — Айниқда, энергетика тизимида катта ўқтиб сезилмадиган даст ва юқори кучлинидаги трансформаторларимиз кўпчиликни қизиқтирмоқда. Уйлайманики, тақдир довомида ҳамкорларимиз билан маҳсулотларимиз олди-сотдиси бўйича тенг манфаатли битим ва шартномалар имзолашга эришамиз.

Кўргазма эртага ўз ишини давом эттиради.

С. ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.
СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.
Т. ҚУРБОНБЕКОВ
олган суратлар.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Амир Темур ва ҳозирги замон

Абу Райҳон Бериуний номидаги Тошкент давлат техника университетида "Амир Темур ва ҳозирги замон" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртиларида фаолият юритаётган олимлар ва ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимиз Исмоил Каримов ташаббуси билан бой тарихимизни, боболаримиздан қолган маданий-маърифий меросни қайта тиклаш ва асл ҳолича ўрганиш, буюк аجدларимиз хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самараси ўлароқ, Сохибқирон Амир Темурнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида бобокалонимизнинг улуғвор ҳайкаллари қад ростлади. Пойтахтимиздаги муҳташам қошона — Темурийлар тарихий давлат музейи нафақат мамлакатимиз жамоатчилиги, балки хориқлик меҳмонларнинг ҳам севимли масканларидан бирига айланган.

Шубҳаларга бўлиниб иш олиб борган анжуманда Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маданият, санъат ривожини, давлатчилик анъаналарини, Амир Темур қолдирган мероснинг ҳозирги замон тараққиётига тасйир масалаларига бағишланган маърузалар тингиланди.

Тадбир доирасида мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид мамлакатимиз ва хориқда яратилган адабиётлар, тарихий ва бадиий асарлар, ўқув-ўқувий қўлланмалар қўрғазмаси ташкил этилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Машиналаримиз дунё кезади

Асакалик автомобилсозлар Наврўз байрамини 30.973 та «Нексия», «Дамас», «Матиз» ва «Ласетти» ишлаб чиқариш билан кутиб олдилар.



Унинг ярмидан зиёди Россия, Қозғоғистон, Украина, Молдова, Озарбойжон сингари Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинди.

Бу ютуқда Марҳамат туманидаги «Ғайрат — 2000» фирмасининг ҳам салмоқли улуши бор. Чунки, маҳаллийлаштириш дастурига қўра, ушбу фирмада энгил автомобиллар учун 17 турдаги бўлчони қисмлар ишлаб чиқаришда ҳар ойда эса «ЎзДЭАавто» қўшма корхонасига 20 миллион сўмликдан ортқ шундай маҳсулотлар етказиб берилаётган.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Меҳр-мурувватдан ҳамма баҳраманд

«Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурини бажариш мақсадида Навоий вилояти ҳокимлигида кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ҳисобидан бир бошдан бепул қорамол бериш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Унга қўра, йил давомида вилоят бўйича 3000 бош сир эгаларига ҳада этилади. Бугунгача эса 691 бош қорамол хонадонларга тарқатилди.

Бундан ташқари, Иш билан таъминлашга қўмаклашиш ҳамгармаси ҳисобидан 107 бош қорамол учун 73,6 миллион сўм, вилоятдаги тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан 137 бош қорамол учун 116,3 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Утган даврда банклар ва ҳамгарма шу тариқа 207 та оилани ижтимоий ҳимоялашга ўзларининг нуносиб ҳиссаларини қўшди.

Дилбар РАЗЗОҚОВА,
Навоий вилояти.

Навқирон

Самарқандга таъзим

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан мамлакатимизда турли маърифий кечалар, учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири — «Навқирон Самарқандга таъзим» республика кўрик-фестивалининг Навоий вилоят босқичи якунланди. Унда фольклор-этнографик ансамбллари, бадиий хаваскорлик жамоалари ва кўнрақ театллари иштирок этди.

Фестиваль иштирокчилари халқ оғзаки ижоди намуналарини, лапар ва яллалар, миллий рақсларни ижро этиш бўйича бахшланди. Шарқнинг бебахо дудонаси саналган Самарқандни тараннум этувчи кўнрақчилар янгради.

Кўрик-фестивалда Нурота туманидаги «Нуржаҳон» фольклор-этнографик бадиий жамоаси биринчи ўринни эгаллади ва фестивалнинг Самарқандга ўтказилган республика босқичига йўлнамани олди. Навбахор туманидаги «Хушан замон», Хатирин туманидаги «Ер-ёр», Кармана туманидаги «Кармана юлдузлари» ансамбллари совринли ўринларга сазовор бўлди.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

Шунқорлар кўриги

КАМОНА ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ёшлар ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасини ўтказиш анъанаси айланган. Қуни кеча Бухоро шаҳрида ушбу беллашувнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Шаҳардаги Нефть ва газ коллежида ўтказилган маъруз мусобақада туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган ўнга яқин жамоа иштирок этди. Мурсосезин ўтган беллашуларда Банк ва иқтисодиёт коллежи жамоасининг қўли баланд келди. Голиб жамоа жорий йилда Қашқадар вилоятида бўлиб ўтаётган Республика босқичига йўлнамани кўлга киритди.

Б. ЮСУПОВ,
Бухоро вилояти.

(Давоми. Боши 1-бетда).

оширилаётган давлат сийсати инсонпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланади. Қадимдан ўзбек халқи хос бўлган маданий ва диний бағрикенглик бу жарайнинг асосини ташкил этади. Буюк Ипак йўлининг асосий йўналишлари ўтган мамлакатимиз ҳудудида асрлар давомида қўлаб миллиятлар вакиллари ёнма-ён, тинч-тотув яшаб келган. Унга халқларнинг маданияти, тили, дини, анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилиш тарихий тароққиёт йўлини белгилаб берган маънавий қадрият сифатида алоқадан алоқда ўтиб келмоқда. Бугунги дорилмон қўнларда асрлар мобайнида шаклланган бағрикенглик тамойили янги кун-қудрат ва янада теран маъно-мазмун касб этди, ижтимоий муносабатларнинг узвий ҳисмига айланди.

Бунга эса ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши, унинг ҳақон ҳамжамиятида тулган ўрни биринчи навбатда, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик, бағрикенглик руҳи нечоғлик мустақамлиги билан белгиланади. Жамиятимиздаги барқарорлик, жиғислик — давлатимиз раҳбарининг узосқини қўлаб юритаётган оқилона сийсати натижасидир. Ушбу сийсатнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва исқилоқ йилларида қабул қилинган қўлаб қўнларда муҳраб қўйилган. Бу қўнни ҳужжатлари Ўзбекистон фуқароларининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эга эканлиги, қўнни олдидан тенглигини қабул қилади. Конституцияимизда Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари ташкил этиши, мамлакатнинг давлат, иқтисодий, ижтимоий ва эркин ҳаётида уларнинг кенг ҳамда ардин иштирок этиш ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда шаклланган миллий демократия модели ҳаётида ўз амалий ифодасини топмоқда. Республикаимизда турли миллатларнинг ўзига хос маданияти, урф-одатлари, анъаналарини сақлаш ва бойитиш учун қўлаб шартин яратилган. Мақаблар ва олий ўқув юртиларида дарслар бир неча тилларда ўқитилмоқда, китоблар, газеталар чоп этилмоқда, теле ва радиосиёҳатлари эфирга узатишмоқда. Турли миллат вакиллари тенг имқониятлардан фойдаланган ҳолда,

иқтисодиёт, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали меҳнат қилаётган, ишқолларни амалга ошириш, мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг ҳақон майдонида обрўсини оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Уларнинг олижаноб йўли сийқидилдан қўлаб меҳнатлари эса юқори баҳоланамоқда. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган, орден ва медаллар билан муқофотланган юртдошларимиз орасида Батанининг раванқоғи, миллатлараро муносабатларни мустақамлашга қатъи ҳисса қўшган қўлаб турли миллат вакиллари бор.

Бугун Ўзбекистонда 140 га яқин миллий маданият маркази фаолият қўрсатмоқда. Улар фуқаролик жами-

дан ёрдам қўрсатиб келмоқда. Корейс маданияти марказлари уюшмаси ҳузурда «Тинбо» илмий-техника жамияти, «Коре» корей миллий рақс ансамбли, ёшлар маркази, артистлар, рессомлар, Ёзувчилар биришмалари фаолият қўрсатмоқда. «Коре син-мун» газетаси чоп этилмоқда. Сурхондарё вилоятининг асосан туркманлар яшайдиган Паттақесар қишлоғида ташкил этилган «Унаш» ансамбли ҳам кўнчилиқнинг эътиборини қозонган. Республика яхши маданият маркази эса Микхосе номидаги театр-студияси, «Шалом, Тошкент» рақс ансамблига, «Кичик ипак йўли» адабий тўламини нашр қилишга ҳомийлик қилади.

Мамлакатимизда «Ўзбекистон —

жиҳатлик ришталарини мустақамлаш билан боғлиқ масалаларга қаратаётган улкан эътиборидир. Масалан, Президентимиз ташаббуси билан Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди. Унинг мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари билан бир мақсад йўлида бириштириш бормоқда. Ўзбекистоннинг динлараро ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги тажрибаси ноёб бўлиб, дунёнинг бошқа давлатлари учун ҳам намуна ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маънавият ва дин масалаларига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Бугун мамлакатимизда истиқо-

латидир. Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор, Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қўрилиш академияси ректори Қ.Назаров, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Р.Ўбайдуллаева, Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори Р.Ўзиев, «Миллий ғоя ва мафқура» республика илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуронов, Наманган вилояти корейс миллий маданият маркази раиси А.Н.Ташкент Исмоил университети профессори А.Очилдиев ва бошқалар бунга алоҳида қайд этилди.

Рус маданият маркази раиси, сенатор С.Герасимова жамиятимизда ҳуқм сураётган бағрикенглик муҳитининг мустақам асоси ҳақида гапирар экан: «Биз — турли миллат ва маданият вакиллари — тинч-тотув, бир-биримизни ҳурмат қилиб, бир-биримизга ишонган ҳолда яшамоқдамиз ва Ўзбекистон деб аташган умумий уйимизни барпо этиш йўлидан қатъият билан бораверимиз», деди.

Шунингдек, конференцияда Республика байналмилал маданият маркази томонидан чоп этилган «Ўзбекистон — бағрикенг дийр» китоби ва «Ҳамжихатлик ҳуқирон мамлакат» деб номланган янги ҳужжатли фильм тақдими ўтказилди. Уларда Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг бағрикенглик тамойиллари ва дин эркинлиги сўзда эмас, балки амалда ўз ифодасини топган мамлакат эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ақли қўл миллатли халқимизнинг бирлиги ва жиғислигини энг қатъи бойлигимиз деб ҳисоблайди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган ва анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилган ижтимоий сўров натижалари ҳам шундан далолат беради. Ўзбекистонини ўз уйим деб ҳисоблайдиган одамлар сонини тобора қўпайиб бормоқда. Суралганларнинг аксарияти Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланади ва мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар масаласида эришилган ютуқларни юқори баҳолайди.

Мамлакатимизда қарор топган миллатлараро тутовлик муҳити — ҳеч қандай ташқи таҳдидлар келажак сари инқилаётган Ўзбекистон халқининг бирлиги ва ҳамжихатлигига раҳна сола олмағлигининг мустақам қафо-

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдухалимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Иномова сўзга чиқди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

КУЧИМИЗ — БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

тининг ҳақиқий институти ҳисобланади. Бу марказларнинг асосий вазифаси мамлакатимизда тинчлик ва тутовлиқни мустақамлашдир. Улар Ўзбекистон халқининг олий мақсади — демократияга асосланган қўнли фуқаролик жамиятини барпо этиш учун давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда, давлат ҳокимиятини органларни, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Давлатимизнинг ушбу марказлар фаолиятини тарқатмоқда қўлаб қувватлаш тўғрисидаги улар бугунги кунда Ўзбекистондаги мавжуд ижтимоий-сийсий муносабатлар тизимининг тарқибий қисмига айланди. Республика байналмилал маданият маркази уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. У миллий маданият марказларининг ҳаётимизда бағрикенглик тамойилларини мустақамлаш, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга қаратилган барча ижтимоий ташаббуслари қўлаб-қувватламоқда. Қўлаб тадбирлар — жамоатчиликни Ўзбекистоннинг бой сәнъати билан таъништиришнинг фестиваллар, қўрғазмалар, концертлар, миллатлараро муносабатларга бағишланган семинарлар ҳамда анжуманларни ўтказишда услубий ва ташкилий жиҳат-

умумий уйимиз» фестивалини ўтказиш ибратли анъанаси айланди. Бу фестивал нафақат турли миллат ва элатлар маданиятининг нечоғлик бойлигини, балки халқимизнинг жиғислигини ҳам намоеён этмоқда. Бундан ташқари, турли хайрия тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда, ёш аёллани эзуглиқ, меҳр-мурувват, одоб-ахлоқ каби умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қатъи эътибор берилмоқда. Марказлар умумдавлат миқёсидаги тадбирлар — Мустақиллик байрами, Конституция кўни, Наврўз ва бошқа тантаналарда фаол иштирок этмоқда.

Анжуман иштирокчиларидан бири — украин маданият маркази раиси В.Бойко миллий маданият марказларининг фаолияти тажрибаси ҳақида гапирар экан, бу дунёда ўхшаш йўқ, ўзига хос тажриба бўлиб, у одамларни жиғислаштиришда беқийс имқониятларга эга эканлиги таъкидлади.

Яхши йил миллий маданият маркази раиси В.Михайловнинг фикрича, мамлакатимизда миллий ўзлиқни англаш юксалтириш учун яратилган имқониятлар — бу бошқа қўнгина давлатлар ҳам мавжуд бўлган қўнчилик базасидангина иборат эмас. Биринчи навбатда, бу Юртбошимизнинг турли халқлар ўртасидаги ўзаро ҳам-

мат қилаётган барча конфессиялар вакиллари эркин эътиқод қилиш имқонига эга. Ўзлаб маъитлар, черковлар, синагогалар, ибодатхоналар қўрилиб, қайта таъмирланди. Тошкент православ диний семинарияси проектори Сергей Стацю Ўзбекистонда диний бағрикенглик тамойиллари ва дин эркинлиги сўзда эмас, балки амалда ўз ифодасини топган мамлакат эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ақли қўл миллатли халқимизнинг бирлиги ва жиғислигини энг қатъи бойлигимиз деб ҳисоблайди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган ва анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилган ижтимоий сўров натижалари ҳам шундан далолат беради. Ўзбекистонини ўз уйим деб ҳисоблайдиган одамлар сонини тобора қўпайиб бормоқда. Суралганларнинг аксарияти Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланади ва мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар масаласида эришилган ютуқларни юқори баҳолайди.

Мамлакатимизда қарор топган миллатлараро тутовлик муҳити — ҳеч қандай ташқи таҳдидлар келажак сари инқилаётган Ўзбекистон халқининг бирлиги ва ҳамжихатлигига раҳна сола олмағлигининг мустақам қафо-

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Болгария делегацияси раҳбари А.Ғагаузов Ўзбекистонда хориқий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун жуда қўлаб сармоявий муҳит, зарур шартин ва имқониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

— Шу боис Болгария Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда, — деди Болгария делегацияси раҳбари. — Биз, айниқса, транспорт коммуникациялари соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришдан жуда манфаатдоримиз.

Форумда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш, ҳужмдан, Болгария компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон билан Болгария ишбилармонлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлаш муҳими ўрни тутиши алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Болгариянинг қатор йирик компаниялари вакиллари иштирок этди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи «Zhivel-Argo», махсус ҳимоя этишлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Solid JS», озиқ-овқат саноати усқунларини ишлаб чиқариш ва ўрнатиш билан шуғулланувчи «Болгар-продмаш» каби компаниялар Ўзбекистон бозоридидаги ўз ўрнини янада кенгайтириш ниятида эканлиги таъкидланди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва қорхоналари ҳамда Болгария ишбилармон доиралари вакиллари билан кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда болгариялик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан пахтачилик, пахта ва пахта маҳсулотлари савдоси, металлга ишлов бериш, сув таъминоти, мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Болгария делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирликни кенгайтириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказди. Ўзбекистон ва Болгария ҳуқуматлараро қўшма комиссияси мажлиси, бизнес-форум ва кооперация биржа доирасида икки кун давом этган музокаралар якунида икки мамлакат ҳуқуматлари ўртасида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Сиз суратда кўриб турган йигит Марғилон шаҳар давлат солиқ инспекцияси бўлими бошлиғи Шерзод Ёқубжонов. У Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тугаллаб, ишни оддий ходимликдан бошлади. Изланувчанлиги, ташаббускорлиги, ўз ишига масъулият билан ёндашиши боис қўп ўтмай у юридик шахсларни бюджетга тўлови тушумини назорат қилиш ва таҳлил бўлимига раҳбар этиб тайинланди.

— Узини ҳурмат қилган одам солиқни ўз вақтида тўлайди, — дейди Шерзод Ёқубжонов. — Бу нафақат давлат газнасини бойитиш, таълим, тиббиёт соҳаларини ривожлантиришда ҳам қўл келади. Шунинг учун жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб, солиқ қонунчилигига оид ҳужжатларни тушунириб бораемиз.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.



(Давоми. Боши 1-бетда).

метр кенгликдаги пушта устига 2-3 қатор қилиб маккажўхори уруғи қадалади. Бунда уялар оралиги 15 сантиметрдан ошмаслиги, ҳар уяга эса бир дона уруғ тушиши керак. Агар мазкур ўсимлик 45 кун мобайнида секин ўсиб ривожланиши назарда тутилса, у ҳар тўп бодринг мўлжалдаги ҳосилнинг туғишига ва бу ҳосилни тегириб олишга асло ҳалақит бермайди. Маккажўхорининг бўйи 45-50 сантиметрга етганда эса, бодринг папақлари йиғиштириб олинади. Пировадиди июль ойининг иккинчи ярмига бориб, камиди 2 тоннагача маккажўхори дони, шунча микдорда қўпоя етиштирилади.

Шундан кейин ер чуқур ҳайдалади, маккажўхори илдизлари терилиб, 50-60 сантиметр кенгликда пушталар олинади. Ҳар пуштанинг икки четига 12-15 сантиметр оралиқда 4-5 дона турп уруғи экилади. Янадан сўнг 3-4 турдан ниҳол қолдирилиб, кетмон ёрдамида 2-3 марта бегона ўтлардан тозаланади. Озиқлантириш ҳам 2-3 марта, ҳар қал 1:07:05 нисбатда соф ҳолда 40 килограммдан азотли, фосфорли ва калийли ўғит солинган ҳолда амалга оширилади. Ўғитлашдан сўнг эса, албатта, суғорилади.

Ниҳоят, бешинчи ҳосил — сабзи. Бу экин уруғи турп учун тортилган пушталарнинг юза қисмига сепилиб, ундан ҳам биноийидек ҳосил кўтарилади. Бугунги кунда нафақат Маҳмуджон Турсунов, балки Олтирқон туманининг Янгиқўрғон, Чинорта-

ги, Мирфозил, Юксалиш, Қизилтепа, Жўрак, Полосон, Повулғон, Телатаги ва Ҳамаза каби қишлоқларда яшовчи омиқкорлар ҳам ўз ердан маккажўхори дони ва помояларидан шу таразда иш юритмоқда. Натижада уларнинг ҳар бири 10 сотих ерда етиштирган жами ҳосил йилми-

қўшсақ, жами даромад 8 миллион сўмдан ошса ошадикки, асло кам бўлмайди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: деҳқон этиги 10 сотих ердан маккажўхори дони ва помоядан ташқари 18-20 тонна бодринг, турп ва сабзи олса-ю, ширкат хўжалиқларида гектар ҳособига етиштирилган

лариди пахта ҳосилининг 86 фоиздан кўпроғи, бошқоқ донининг 75 фоизи етиштирилганини айтсақ, улар амалда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, бу соҳани ривожлантиришнинг етакчи ҳаракатлантирувчи кучига айлангани аён бўлади.

Бундан ташқари, фермер хўжалиги аъзолари 70 бош сир ва 68 бош бузоқни ҳам парваришлашмоқдалар. Ҳар бир овмишдан эса кунига ўртача 10 литргача сут соғиб олинмоқда.

Оқилжон Носировнинг айтишича, келишув ҳужжатида Даниядан ҳар бири 2700 АҚШ долларлик 124 бош зотдор сирги олиб келинади. Исроилдан эса сутни қайта ишлаш технологияси келтириб ўрнатилади. Шунда ишчилар сони 50 нафардан 90 нафарга етади. Ўз навбатда, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади.

Иккала бодобеҳқон — Маҳмуджон Турсунов ҳам, Оқилжон Носиров ҳам ўз даласида бедор бу кун. Бу бедорлик замирида, табиийлик, эртага мўл ҳосил етиштириш, сарбаланд хирмон яратишдек эзгу мақсад мужассам. Улар ана шу муддаоларнинг ушалишига қатъий ишондилар. Бу ишонч бутун мамлакатимиз бўйлаб эртантанна билан нишонланган Наврўзи олам, унинг шарофати ила покланган ишонч, юракларда туғилган янгича ғайрат-шижоат, интилиш, кўтаринки руҳ ва аъло кайфият туғайлидир. Зеро, Президентимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидлаганидек, «халқимизда «Яхши одам — қўндан, яхши йил — Наврўздан маълум» деган чуқур маънудини мақомининг ҳар томонлама ҳосиятлик, қўлғуд қадмалар билан бошланганга ҳаммамизни гувоб бўлиб турибмиз».

Бундан ташқари, фермер хўжалиги аъзолари 70 бош сир ва 68 бош бузоқни ҳам парваришлашмоқдалар. Ҳар бир овмишдан эса кунига ўртача 10 литргача сут соғиб олинмоқда.

Оқилжон Носировнинг айтишича, келишув ҳужжатида Даниядан ҳар бири 2700 АҚШ долларлик 124 бош зотдор сирги олиб келинади. Исроилдан эса сутни қайта ишлаш технологияси келтириб ўрнатилади. Шунда ишчилар сони 50 нафардан 90 нафарга етади. Ўз навбатда, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади.

Иккала бодобеҳқон — Маҳмуджон Турсунов ҳам, Оқилжон Носиров ҳам ўз даласида бедор бу кун. Бу бедорлик замирида, табиийлик, эртага мўл ҳосил етиштириш, сарбаланд хирмон яратишдек эзгу мақсад мужассам. Улар ана шу муддаоларнинг ушалишига қатъий ишондилар. Бу ишонч бутун мамлакатимиз бўйлаб эртантанна билан нишонланган Наврўзи олам, унинг шарофати ила покланган ишонч, юракларда туғилган янгича ғайрат-шижоат, интилиш, кўтаринки руҳ ва аъло кайфият туғайлидир. Зеро, Президентимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкид

Пиллачилик

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимиз пилла етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Бунга неча юз йиллар давомида ипакчилик соҳасида орттирилган тажриба ва унинг амалдаги ижроси тўғрисида эришилган. Давлатимиз раҳбарининг пилла тайёрлашни янада кўпайтириш, унинг озуқа базаси — тўтқинликни ривожлантириш борасидаги қарорлари соҳа ривожига муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг пиллачиликни ривожлантириш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, бу йилги мавсумда мамлакатимизда 22 минг тонна сифатли пилла етиштириш режалаштирилган. Шу мақсадда 508 минг қути ипак қурти уруғи тайёрланди. Ипак қурти уруғларини жонлантирадиган инкубаториялардан уч минг етти юзтаси қайта таъмирланди.

Мавсумда барг танқислигининг олдини олиш мақсадида 82 миллион аёк ту қатори ва 53 минг гектардан зиёд туторда баҳорги юмушлар ниҳоясига етказилмоқда. Шу кунга қадар тут плантацияларининг 90 фоизи маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклан-тирилди.

Шунингдек, ҳозиргача қарийб уч минг гектар майдонда янги тутор ташкил этилди. Мавсумларнинг хатосини тўдириш учун эса 1288 минг дона қўчат ўтказилди.

Пиллачиликдаги муҳим тадбирлардан яна бири пиллакорлар билан шартномалар тузишдир. Шу кунга қадар 373 мингдан ортиқ ана шундай меҳнат шартномаси имзоланди. Шунингдек, ипак қурти боқувчиларга ўз вақтида мутахассис маслаҳати ва амалий ёрдам кўрсатиш учун қарийб бир ярим минг пиллачилик агрономи, уч мингта яқин бригада бошлиғи ўз малакасини оширди.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА шарҳловчиси.

Богот туманидаги Бешариқ қишлоғида истиқомат қилувчи Мақсуда Рўзиева — уч фарзанднинг онаси. Болалари ҳали ёш. Шу боис оилада фақат эри ишлайди. Хунарманлиги боис топиш-тутиши яхши. Лекин Мақсуда унга қарашса, хонадонга қўшимча даромад олиб келсам, ҳам ишни, ҳам болани тарбиясио рўзгорни эпласам, дейди. Борига қаноат қилиб яшаш мумкин, бироқ меҳнат орқасидан оиланинг бут бўлганига, қўшимча даромад топилганига нима етсин!

Касаначилик

ХОНАДОНДА ТОПИЛГАН ДАРОМАД

У шундай эзгу ўйлар билан юрган кезларида туман меҳнат бўлимидан вакиллар келишди. Улар Мақсудага маъқул келадиган таклифни айтишди: «Иккита тикув машинангиз бор экан, уйда ўтириб ишласангиз ҳам буларкан, касаначилар сафига қўшилиш. Сизга иш берадиган корхона бор. Маҳаллангиздаги «Богот пахта тозалаш» очик хиссадорлик жамиятига чигит учун қоп, иссиқ иш қийимлари, пахта териш учун этак тикиб берадиган ишчилар керак», дейишди. Мақсуда ўзибоп иш топилганидан қувонди-ю, дарҳол ишга киришиб кетди.

— Аввалдан тикувчиликни эпладим, — дейди Мақсуда. — Қўни-қўшилларнинг қилларига қўйлаб тикардим. Мана, менбоп иш топилди. Уйда бўш вақтингда ишлаб даромад топишининг ўзига хос гаши бор-да. Ҳам болаларимга қараялман, ҳам корхонанинг бюртмасини бажараялман. Барча ишчилик қаторида маош оламан.

Ҳап шундаки, корхона билан шартнома тузганмиз. Материални олиб келиб бе-

ришади, тайёр маҳсулотни олиб кетишади. Раҳбарият ўз ишчиларига қандай ғамхўрлик кўрсатса, бизга ҳам шу назар билан қарашяпти. Бир мисол. Хотин-қизлар байрами кўни корхона вакиллари маъмурият номидан совғасаломлар олиб келиб, табриклаб кетишди. Меҳнатим қадр топаётганидан хурсандман. Яна бир яхши томони шундаки, насиб қилса, пенсия ёшига етганимда, кўпроқ нафақа олиш имкониятига эга бўлидим.

Хозирда Мақсуданинг қайинсинглиси Ойхоним, қўшилари Лайло, Насиба, жами беш қиз-жувон касаначилик асосида ишламоқда. Оилага ҳар ойда бюртманинг ҳажмига қараб 40-50 минг сўм даромад келиб турибди. Рўзгорга аёк ту қаторида, дегани бу. — Шу кеча-қундузда 80 нафар касаначилик бор, — дей-

ди «Богот пахта тозалаш» очик хиссадорлик жамияти раиси Рўзмет Қабулов. — Корхона тинмай ишлаб тура, касаначиларнинг меҳнатига талаб ортавераркан. Чўки улар тайёрлаб бераётган маҳсулот бозордагидан анча арзон. 373 нафар ишчимиз қаторида уларга ҳам меҳнат дафтарчаси очдик. Шартномалар туздик. Янада яхши ишлашлари учун барча

Фармони талаблари вилоятимизда «Бандлик» дастурини тўлиқ амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Хоразм вилояти меҳнат ва аҳолини ихтимойи муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Баҳодир Рўзметов. — Ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, воҳанинг 30 та йирик саноат корхонасида, хусусан, «Феруз-Хоразм»,

маҳсулот тайёрланди. Бу билан шундай тажриба жорий қилинган саноат корхоналарида 14,1 млн. сўм маблаг тежаб қолинди. Айниқса, вилоятда уйда ишлашга шартин яратиб берилган хотин-қизларнинг оиласи доимий даромад манбаига эга бўлгани қувонarliдир.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда ҳам вилоятда касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу иш усулини кенг йўлга қўйиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида бекор ётган турли хил дастгоҳ ва усуналар қўлидан иш келадиган оилаларга бериляпти. Вилоятдаги ўнлаб корхоналарнинг раҳбарлари эса ўз имкониятларидан келиб чиқиб, шартнома асосида ўй меҳнатини ташкил этмоқдалар. Уларнинг ҳар бири 50 тагача касаначилик меҳнатини ташкил этиш ташаббуси билан чиқмоқдалар. Бу дегани — тез орада яна 1200 нафарга яқин касаначи корхоналарга жалб этиляди.

Бу ниятни амалга ошириш учун барча имкониятлар етарли. Ихтимойи ҳимоя йилида бундай хайрли ишнинг амалга оширилиши, табиийки, оилалар фаровонлигини таъминлаш, уларни моддий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Биз касаначиларнинг хонадонларида бўлиб, улар амалга ошираётган ишлар билан танишдик. Тайёр маҳсулотларнинг сифатлилиги ва пишиқ-пукталигидан қўнглимиз тўлди. Айниқса, касаначилар ўзлари бажараётган ишдан, меҳнатига яраша даромад топаётганидан хурсанд эканлигини кўриб, қувондик.

Буларнинг ҳаммаси касаначилик тажрибаси вилоятда янада кенг қулоч ёйишидан далолат беради.

Ойбек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


ЖАҲОН 24 соат ичида Телеканал биносида отишма



Қуролланган номаълум шахс «CNN» телеканалининг Атланта шаҳрида жойлашган бош қароргоҳини ўққа тутди. Телеканал хавфсизлик ходимлари унга жавобан ўт очилди. Натижада бир ҳомиладор аёл ва қароргоҳни ўққа тутган шахс қаттиқ жароҳатланди. Уларнинг иккиси ҳам зудлик билан шифохонага ётқизилди. Бироқ аёл шифохонада вафот этди.

Хозирда ушбу воқеа юзасидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилаяпти.

Лондон ҳам музокаралар тарафдори



Расмий Лондон 23 мартда эронлик чегарачилар томонидан Форс қўлтиғида қўлга олинган Буюк британиялик 15 нафар ҳарбий денгизчини озод қилиш юзасидан музокаралар ўтказиш таклифи билан чиқди. Агар Эрон бунга розилик бера, Бирлашган Қироллик Техронга делегация жўна-тади. Бу ҳақда Буюк Британия Бош вазири де-вонхонаси расмий вакили журналистларга маълум қилди.

«Airbus» нинг Франциядаги минглаб ходимлари компанияни қайта ташкил этишга мўлжалланган «Power8» дастурига қарши норозилик намойишлари ўтказмоқда.

Ишчилар норози



Компания қасаба уюшмаси «Airbus» нинг Францияда жойлашган заводларидаги ишчиларни ярим кунлик иш ташлашга чақирди. Компания ақин тўрт йил мобайнида 10 мингта иш ўринларини қисқартиришни ва шу йўл орқали 2010 йилга бориб 5 миллиард еврогача маблағни тежашни режалаштирган.

Илиқлик

Куба ва Испания 4 йиллик совуқ муносабатлардан сўнг иқтисодий ҳамкорликни қайта тиклашга келишди. 2003 йилда Европа Иттифоқи ва Куба ўрта-сидаги дипломатик инқироз тўғрисида алоқалар узилган-ди. Испания ташқи ишлар вазири Мигел Ахел Моратинос барча соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ҳужжатлар имзоланганини таъкидлади.

Испания Кубага инвестиция қилиш бўйича Хитой ва Венесуэладан кейин учинчи ўринда туради.

Адлия вазирлиги таклифи

Украина Адлия вазирлиги мамлакат президенти унинг Олий Радаи тарқатиш тўғрисидаги фармонини бекор қилишни таклиф қилди. Вазирлик нўқата назарча, Юшченконинг ушбу фармони мамлакат асосий қонунига зид. Адлия вазирлиги фармоннинг бир неча бандлари конституциянинг қайси моддаларига асослангани кўрсатилмаганини билдирди.

Собиқ канцлер мукофотга муносиб

Европа комиссияси раҳбари Жозе Мануэль Баррозу Германиянинг собиқ канцлери Гельмут Колга Нобель мукофотини бериш таклифи билан чиқди. «Гельмут Кол исми Германиянинг бирлашиши билан боғлиқдир» дейилган Еврокомиссия раисининг Нобель қўмитасига ёзган мактубида. Баррозунинг фикрига кўра, Германиянинг бирлашиши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунда Гельмут Колнинг хизмати катта.

Энг қулай шаҳар

Ундан кейинги ўринни Швейцариянинг Женева шаҳри эгаллади. «Мерсер» компанияси шаҳарлардаги ҳаёт тарзи билан танишгандан сўнг шундай хулосага келди. Бундан ташқари, компания бундай хулосага келишдан олдин шаҳарлардаги меҳнат ресурсларини ҳам батафсил ўрганиб чиққан.

Янги қувур тортмоқчи

Руминиядан Италияга қадар нефть қувури қурилади. Руминия, Сербия, Словения, Италия ва Хорватия энергетика вазирлари ушбу лойиҳа юзасидан ўзаро декларация имзолашди. Қувур Руминиянинг Констанца портидан Италиянинг Триест шаҳригача тортिलाди. Руминия ва Италияни боғловчи қувур ишга тушса, Каспий денгизини худудидан йилга 90 миллион тонна нефтни экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ХўРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«KAFOLAT RIELT» МЧЖ

2007 йил 8, 15, 22 май кунлари Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида соат 15.00 да аукцион савдоларини ўтказлади.

Аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилмоқда: Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Шохрўхобод кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган «Улўғбек» акциядорлик жамиятининг ташқи бошқарувчиси томонидан тақдим этилган «Улўғбек» акциядорлик жамиятига тегишли мол-мулк (мулкий мажмуа сифатида) очик аукцион савдоларига чиқарилади. Бошланғич баҳоси — 1 200 000 000 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориде закатлат пулини «KAFOLAT RIELT» МЧЖнинг ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Шунингдек, ушбу объект белгиланган савдоларда сотилмаган тақдирда, ҳар ҳафтанинг сешанба кўни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-93, 138-69-94.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 8 май куни соат 11.00 да

Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

2006 йил 6 мартдаги 421/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Низомий кўчасидаги қурилиши тугалланмаган 12-уй. Бошланғич баҳоси — 402 591 987 сўм.

2006 йил 6 мартдаги 422/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, «Астрономия» кўчасидаги илмий текшириш институти худудиде жойлашган рақамсиз уй. Бошланғич баҳоси — 262 648 500 сўм.

Қизилчи билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинимаси вакили иштирокиде бевоқиф жойига чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тулов ҳужжатиде ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориде закатлат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки Автотранспорт филиалининг «Альяс-мини» банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закатлат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

ШУНИНГДЕК, Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли қарори асосида, 2007 йилнинг март ойида ташкил этган аукцион савдолари натижада, 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30J82-73 бўлган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси 235 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.

«Крокус Газ Сервис» ҚК (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Газдевайс» ЕЯЖ ва «Сигнал» ЭЯБнинг (Россия) Ўзбекистон худудидеги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун қафолат — 24 ой.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, С.Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесилган жойда (Мўлжал: Шафари ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 176-77-34, 133-02-11.

УОФИЦИАЛЬНОГО ДИЛЕРА заводская



195 - 88 - 77 весь модельный ряд от 14 500 у.е.

«САНИПЛАСТ» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси

Томчилаб сўғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.

Пахтазор, тоқзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб сўғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Сервис хизмати курсатиб, эҳтиёт қисмларни етказилади. Мутахассисларимиз экинларни сўғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беришади. Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига қафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Корасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

ХўРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«У.Юсупов номли» ОАЖ кредиторлар йиғилишининг қарорига мувофиқ «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 15 март 52-сониде чоп этилган эълонга қўшимча равишда:

«Munitsipal Aukcion Markazi»

сизларни 2007 йил 8, 15, 22, 29 май кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига банкрот деб эътироф этилган Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, «Лаззат» кўчасида жойлашган, умумий майдони 12 гектарни ташкил этган, «У.Юсупов номли» ОАЖ консерва заводи мулкий мажмуа сифатида қўйилади.

Бошланғич нархи — 2 200 000 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориде закатлат пулини савдо ташкилотчиси — «Munitsipal Aukcion Markazi»нинг «Халқ банки» шаҳар бўлимидаги МФО 00821, СТИР 300053338, 20208000804555055001 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй. Телефон: 144-88-04. Гувоҳнома: №001566 — 09.

ТАФАККУР — ТАРБИЯ ЗАМИНИ



муаммо нимада? Нега жамияти- миз, оилалар, маҳаллалар, боча-мактаб, жамоа ёшларимизнинг ўқиши, вояга етиб камол топишга баҳоли қудрат имконият яратиб бераётган бир пайтда ноқоби фарзандлар, ота-оналарига, устозларига иснод келтирувчи ёшлар пайдо бўлиб қолмапти?

Шарку Фарбнинг улғ мутафаккирлари, муқаддас Ислом дини, Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифда, халқимиз яратган эртак, маталларда, халқ кўшиқларида, оғзаки ижодда инсонни қомилликка етакловчи гоилару қим-

лан қарайдиган бўлади. Шу тарика, у шахс даражасида намоен бўлиб, ўзгалар эътиборига тушади.

Шоир шеърли сатрларида, рассом полотноларида, олимлар кашфиётида, ҳунармандлар ҳунари, шифокорлар муолажаси билан, ҳуллас хар бир инсон ўз-ўзини меҳнати орқали намоен этади. Бир оилада, бир жамоада яшаб, ҳаёт кечираётган инсонлар ўлиги, ўз лаёқати, нафракат меҳнат маҳсуллари билан, балки одамларга, нарса ва ҳодиса, жараёнларга бўлган муносабати орқали ҳам ўзига хос, ноёб, бетакрор оламдир. Бир-бирига айнан ўхшамайдиган мавжудотдир, ўз-ўзини кашф этувчи зотдир.

Лекин одамда ҳам салбий, ҳам ижобий хислатлар, туйғулар, фикрлар бўлиши табиий. Шундай пайтда инсон ўз ақл-идрокига, тафаккурига, маърифатга сунясса, масъулият ҳиссини ишга солса, айни мудоа бўлади.

Инсоннинг ўз-ўзига жавоб бериши осон кечмайди. Руҳан, жисмонан азоб чекади, уйқусиз тунларни бошдан ўтказиши, ўз хатосини бўйнига қилиши оғир. У ўзига баҳо бериши учун ўзига четдан қараши, кўзгуда ўзини кўриб, ўзига оро бергандек, нотеки жойларини текислагандек, ҳатти-ҳаракатларида, сўзларида, муносабатиди юз берадиган нуқсонларни йўқотиши учун ҳам кўп ўқиши, ўрганиши зарур. Инсоннинг қалби, фикри, сўзи, иши бир-бирига мос бўлса, у ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнамайди. Қомиллик бу фаолиятда намоен бўлади.

Маърифатга осонликча эришилмайди. Инсон ҳаёти давомида ота-онаси, боча-мактаб, устозлар кумагида балоғатга етиб боради. Ўз устида ишламаса, изланмаса, ўқиб-ўрганмаса, ўрганганини ҳаётга татбиқ этмаса, етук бўла олмайди. У дунёга келиб, ўз дунёси ижодкори, соҳиби бўлиши учун тинмай меҳнат қилиши керак. Утган асрнинг 20-йилларида яшаб, ижод этган маърифатпарварлардан бири Абдулла Авлоний тарбияни фикрлашдан, фикр юритишдан, фикр тарбиядан бошлаш керак деганида, минг бора ҳақ эди. Буни ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Ўлмас ЖАЛОЛОВА,
ДМУ фалсафа кафедраси доценти.

Мулоҳаза

матли фикрлар оз эмас. Сукрот «Ўз-ўзини бил» деса, Ибн Сино «Ўз-ўзини бошқариш» хусусида, Гегель «Таракқиётнинг манбаи ўз-ўзида содир бўлиши» ҳақида фикр юритади. Дарҳақиқат, ҳар бир одам бир олам. Ҳар қим ўз оламининг ҳукмдори, ҳокими. У ўқиши, ўрганиши орқали бунёдкор бўлиб боради, ўз оламини яратади, атраф-муҳитни қандай бўлса, шундайлигича ўзлаштириб қолмай, унга таъсир этади, ўзгартиради ва бу жараёнда ўзи ҳам ўзгартиб боради. Одамларга, ҳаётга, нарса ва ҳодисаларга бошқача кўз би-

ра қарайди, оғоҳликка қақиради. Радик Азизов бир неча йиллардан буён ўз асарлари билан хоризжий мамлакатларда ўтказилган кўрик-танловларда фаол иштирок этиб келади. У ўтган йили Исроилда бўлиб ўтган карикатуричларнинг халқор танловига кумуш медаль билан тақдирланиб, жаҳоннинг энг яхши карикатуричилари сафидан ўрин эгаллади.

Кўргазма апрель ойи охирига қадар давом этади.

Мажуда ХОЛМАТОВА.

Тасвирдаги кулгу

Кулгу инсон умрини узайтиради. Янги-янги ташаббуслар қилишга илҳомлантиради. Тошкент Фотосуратлар уйда иш бошлаган график рассом Радик Азизовнинг асарлари кўргазмасини томоша қилсангиз, ижтимоий ҳаётимиздаги айрим камчиликлар қалама олинганга гувоҳ бўласиз. Мусаввир асарларида табиатни асраш, атраф-муҳитни озода сақлаш, сувни тежаб-тергаб сарфлаш сингари ечимли кўраётган бир қатор муаммоларни рангасвир орқали

ифодалайди, оғоҳликка қақиради. Радик Азизов бир неча йиллардан буён ўз асарлари билан хоризжий мамлакатларда ўтказилган кўрик-танловларда фаол иштирок этиб келади. У ўтган йили Исроилда бўлиб ўтган карикатуричларнинг халқор танловига кумуш медаль билан тақдирланиб, жаҳоннинг энг яхши карикатуричилари сафидан ўрин эгаллади.

Кўргазма апрель ойи охирига қадар давом этади.

Мажуда ХОЛМАТОВА.

ТОШКЕНТДАГИ ҒАЛАБА БЕРЛИНДА ТАКРОРЛАНАДИМИ?



Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағғармаси Қароши шаҳар бўлими шахмат бўйича оммавий мусобақа ўтказди. «Ижтимоий химоя йили» дастури доирасида ўтказилган бу турнирда юзга яқин шахматчилар иштирок этдилар.

Оқсоқол шахматчилар

Ёши олтишдан ошган шахматчилар баҳсида Хушвақт Хуррамов энг кўп очко тўплаб, турнир ғолиби бўлди. 50-60 ёшли шахматчилар ўртакда Дамир Чигарёва тенг келадигани топилмади. Мусобақа ғолиблари ва совриндорларига Қароши шаҳар ҳокимилиги ҳамда «Нуроний» жағғармаси шахмат бўлимининг Фахрий ёрликлари, эсдалик совғалар топширилди.

Б. НОРҚОШИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Юртдошларимизнинг «Ақл гимнастикаси» — шахмат ва шашка мусобақаларида доимо пешқадамлар сафида эътироф этилаётгани барчамизни қувонтирмоқда. Бу албатта, ҳукуратимиз томонидан спортга берилётган эътибор самарасидир.

Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг 14-21 октябрь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида 64 каталик шашка бўйича ўсирилар ва қизлар ўртасида ўтказилган Бутунжаҳон Олимпиадасида ёшларимиз ўз олдидирга қўйган вазифани шараф билан адо этгандилар. Ўзбекистон ўсириллар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи, қизлар терма жамоаси эса учинчи ўрин-

поғонада туришди. Халқор шашка федерацияси ана шуларни ҳисобга олиб шашка бўйича ёшлар ва ўсириллар ўртасидаги III Осие чемпионати Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилди.

Пойтахтимиздаги «Саёҳат» меҳмонхонасида ташкиллаштирилган чемпионатда мезбонлардан ташқари, Жанубий Корея, Мўғулистон, Эрон, Афғонистон, Таиланд, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон каби ўндан ортқ мамлакатдан келган 107 нафар шашкачи ғолиблик учун баҳс юритди.

Классик шашкада 10 ёшли спортчилар орасида Отгонбилег Черенбемба (Мўғулистон), Шаҳноза Косимова (Бухоро), 14 ёшли иштирокчилар орасида Саиджон Алиев ва Гулсум Алиева (Бухоро), 16 ёшгача бўлган катнашчилардан Нурали Раҳматов (Бухоро), Сайёра Йўлдошева (Сирдарё), 20 ёшгача бўлган шашкачилар орасида эса Анвар Аманов (Сирдарё) ва Ни-

да уғил болаларнинг яққил баҳсларида Иван Олишев барча рақибларини мағлубиятга учратган бўлса, қизлардан Юлия Косовага тенг келадигани топилмади. Василий Пекшев ҳамда Севара Файзулина иккинчи ўринга сазовор бўлди. Учинчи ўрин эса Давлат Норметов ва Ирина Денискинага насиб қилди.

Умумжамоа ҳисобида 4-болалар ва ўсириллар спорт мактаби жамоаси вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди. Қизлар ўртасида 14-болалар ва ўсириллар спорт мактаби тарбияланувчи қизлари ғолиб чиқди.

Шоғирларимизнинг қитъа чемпионатида эришган натижаларидан мамнунман, — дейди шашка бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Алишер Ортиқов. — Демак, Осие чемпионатида қўзланган мақсадга эришилди. Энди олдимида янада масъулиятроқ вазифалар турибди. 14-24 апрель кунлари Германиянинг Берлин шаҳрида шашка бўйича ёшлар ва ўсириллар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Хозир бор эътиборимизни ана шу нуфузли мусобақага қаратганимиз. Мақсадимиз, камиди кучли ушқикдан жой олиш. FMJD усталари Саиджон Алиев, Гулсум Алиева ва Нурали Раҳматовлар жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилиши кутиляпти.



гина Бозорова (Бухоро)лар қитъа чемпионлигини қўлга киритдилар. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи поғонадан жой олди. Иккинчи ўрин Мўғулистон, учинчи ўрин эса Қозғистон шашкачиларига насиб этди.

Тезкор шашкада ҳам юртдошларимиз пешқадамликни сақлаб қолишди.

Қитъа чемпионати юқори савияда ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жағғармаси, Республика Касаба уюшмалари марказий кенгаши яқиндан ёрдам берди.

Шоғирларимизнинг қитъа чемпионатида эришган натижаларидан мамнунман, — дейди шашка бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Алишер Ортиқов.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Даврон АҲМАД
олган суратлар.

ГИМНАСТИКАЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтимизда спорт гимнастикаси бўйича Тошкент шаҳри биринчилиги яқунлади. Унда ўғил болаларнинг яққил баҳсларида Иван Олишев барча рақибларини мағлубиятга учратган бўлса, қизлардан Юлия Косовага тенг келадигани топилмади. Василий Пекшев ҳамда Севара Файзулина иккинчи ўринга сазовор бўлди. Учинчи ўрин эса Давлат Норметов ва Ирина Денискинага насиб қилди.

Умумжамоа ҳисобида 4-болалар ва ўсириллар спорт мактаби жамоаси вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди. Қизлар ўртасида 14-болалар ва ўсириллар спорт мактаби тарбияланувчи қизлари ғолиб чиқди.

Шоғирларимизнинг қитъа чемпионатида эришган натижаларидан мамнунман, — дейди шашка бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Алишер Ортиқов.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Даврон АҲМАД
олган суратлар.

АБИТУРИЕНТ — 2007

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЎҚИШГА КИРУВЧИ ЁШЛАРНИ

ГУБКИН НОМИДАГИ НЕФТЬ ВА ГАЗ РОССИЯ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИГА

математика, физика, рус тилидан кириш имтиҳонларига мақсадли (йўналтирилган) тайёрлайди.

Республика олий ўқув юртларига кирувчиларни тестга математика, физика, инглиз тили ҳамда ўзбек ва рус тилларидан тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 3, 2, 1 ой. Ўқиш — 1 апрель, 1 май ва 1 июндан бошланади. Дарслар Губкин филиали учун рус тилида, республика олий ўқув юртлари учун ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, «Университет» кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат техника университетининг бош биноси, «Олий математика» кафедраси (7-қават, 708-хона). Телефон: 396-82-40 (ички телефонлар: 270, 263).

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари (автобуслари) ва улар негизда тайёрланган махсус техникалари (кранлар, бетонкорчилар, экскаваторлар, ёнилги ташувчилари) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юкюкчиларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» кўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservis@mail.ru

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибутор **AVTODOM PLUS**

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГТА

- ГАЗ-3221 Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли
- ГАЗ-31105, «ВОЛГА»
- ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
- ГАЗ-32214 (4x4) «Тез ёрдам»
- ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи
- ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли
- ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли
- ГАЗ-3307 Автовакуатор
- ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Телефонлар: Газетхоналар билан алоқа ва мизмақалор бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадди Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Манзил: 700000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева. Навбатчи — Ш. Ортиқов. Мусаҳҳих — М. Якубова.

«Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Тошхирлиди — 22.20 1 2 3 4 5